



ОРЖОНИКИДЗЕ районидagi Ленин номи колхоз аъзоси Зухра Комилова яқинда Тошкент қишлоқ хўжалик институтини муваффақият билан тавонди. Эндикда унинг жонжон колхозда агроном бўлиб ишлаётган. Суратда: Зухра Комилова ва сабаботчи Эргаш Саримсоқовлар тилида хўжаликда етиштирилётган ҳосилни кўздан кечиришмоқда. Х. Хантмухаммедов фотоси, (ЎзТАТ).

ҚИШЛОҚ СОВЕТИ ВА ДЕПУТАТЛАР

Маориф ва маданият бўйича доимий комиссия раиси Санджабдор Абдуразақов ўз номига келган ариза билан батафсил таъиниш бўғач, қишлоқ Советининг раиси Жебек опа Элибасова ҳузурига кирди.

— Оналарибиз буга қуриб беришни илтимос қилишмоқда, сиз нима дейсиз?

— Мен нима дердим. Жуда яхши. Ҳаётини масалани кўтаришмоқда. Бизнинг вазифамиз сайловчилар нақазига қўлоқ бериб, уни вақтида байқатиш. Ҳа, шунга эришиш учун ҳаракат қилиш керак.

Раиса опанинг бу сўзлари Санджабдор акага қанот боғлаб берди. У ўша кундан бошлаб қишлоқ тегинли ташкилотлар билан масалалашиб кўрди. Қишлоқ Совети томонидан зарур маблағ ажратилди. Ордан кўп ўтмасдан Қўмабозор қишлоғида марказлаштирилган типовой болалар боғчаси қад кўтарди. Ҳозир бу ерда етмиш беш ёш бўғин тарбия топмоқда.

Жонқуяр депутат Абдуразақовнинг меҳнатқашлар манфати йўлида қилётган ишлари фақат бугунча эмас. Унинг ташаббуси билан ҳозир ўн тўртинчи мактаб ўқув базаси кенгайтирилди. 530 ўринга мўлжалланган қўшимча бино қурилиши жадал суръатда олиб борилаётган.

Артанчи қишлоқ Совети ва унинг депутатлари Советиядан бундай қўшувчи фактларни жуда кўйлаб келтириш мумкин.

Район марказидан энг ўзоқда бўлган Жамбул участкада туғруқхона қурилади. «Правда»

колхозининг учинчи ва бешинчи участкаларида меҳнатчилар очилиди. Бу соҳада қишлоқ Совети соғлиқни сақлаш бўйича доимий комиссиясининг раиси ўртоқ Д. А. Лимнинг хизмати катта бўлди.

Шу вақтгача район маркази билан колхоз марказига автобус қатнамасди. Сайловчиларнинг бу муҳим талаби ҳам қондирилди. Илгари Жамбул участкасига бир кунда автобус икки марта қатнаган бўлса, ҳозир автобуслар қатнови икки марта тезлашган.

Қишлоқ Совети депутатлари йўл қурилишига ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Биргина ўтган йилнинг ўзида қишлоқ йўлларида саккиз километрга асфальт ёқизилди. 24 километр йўл қайта қурилиб, шағал тўқилди. «Юқори Чирчи» совхозининг иккинчи бўлимига қарашли тўрт километр йўл капитал ремонт қилинди. Қўмабозор қишлоғида қурилган уч километр йўлда ҳам ана шундай ишлар бажарилади.

Самарқанд ва Қўрасув кўприклари битказилиб, йўловчиларга қўлайлик туғдирилди. Бунда доимий комиссия раислари П. В. Ким ва Э. Исҳоқовларнинг кўрсатилган актив фаолиятлари айниқса мақтовга лойиқ.

Қишлоқ Совети депутатларининг ўз бурчларини сиқидирилган билан адо этганликлари

олмоқда. Бу билим ўқоларида ёш авлодга коммунистлик тарбия бераётган ўқитувчиларнинг қарийб саксон процентини маҳаллий халқ орасидан етишиб чиққан кадрлар ташкил этади. Маҳаллий маънавий бинолар йил сайин кўпроқ қад аўтармоқда. 16 та магазин, 2 та дорихона, 4 та алоҳа бўлими, 75 ўринли касалхона, 4 та клуб ва бошқа инсон ҳаёти учун зарур бўлган маданий-маиший объектлар аҳолига намунали хизмат қилиб турибди.

Маҳаллий ва хўжалик соҳасида еришилган бу ютуқларда қишлоқ Совети ва унинг доимий комиссиялари атрофида уюшган депутатларнинг улкан хизматлари бор.

Қишлоқ Советининг сессия ва мажлислари белгиланган муддатларда ўтказиб борилади. Унда муҳим ҳаётини масалалар кенг муҳомада этилади. Меҳнатқашлардан тушган ариза ва шикоятларга кечиктирilmay жавоб қайтарилди. Сайловчилар томонидан кўтарилган масалалар ўша жойининг ўзида ижобий ҳал қилинишига эришилди. Қишлоқ Совети атрофида уюшган 91 депутатнинг ҳар бири ўз бурчини яхши билди. Улар меҳнатқашларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўз вақтида қондириш билан бирга «Правда» колхозни экономикасини юксалтиришда ҳам зўр

фаолият кўрсатмоқдалар. Шу сабабдан деҳқончилик маданияти юксалиб, колхозчиларнинг даромади кўпаймоқда. Ўтган йили қишлоқ хўжалик энчиларида баракали ҳосил олинди. Натижада колхознинг пул даромади олти миллион 377 миң сўмга етди. Ҳар бир кишига 6 сўм 61 тиғиндан пул тақсимида. Бир кишининг йиллик ўртача даромади қарийб 1400 сўмданга яқинлашди. Бунда қолқоқ участкаларини илғорликда олиб чиққан Ғ. Ёғлов, О. Икромов, Ким Пётр, Я. Мирзақулов сингари ўйлаб ишлаб чиқариш илғорларининг салмоқли хизматлари бор.

Қишлоқ Совети ва унинг депутатлари 1968 йилда ҳам меҳнат аҳлининг турмушини янада яхшилаш, қишлоқларнинг маданий юксалишини тағин ҳам кенгайтириш мақсидида кенгирет режалар тузмоқдалар. Шунга қўра, Қўмабозор қишлоғида хўжалик моллари магизини, саргарошхона, яна тартибда кўшма-беш тиғин ва поёфзал устaxonалари қурилади. Аҳоли ўртасида соҳаватли кишилар, деб ном олган қишлоқ депутатлари меҳнатқашларга ғамхўрликни янада яхшилаш иштиёғида дастлабки кунлардан бошлаб энг шимариб ишга киришиб кетилди.

А. РАХИМБЕРДИЕВ,
М. НАЗИРБЕКОВ,
Юқори Чирчиқ району.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

кечирилди. Унинг саксон процентдан кўпроғи кейинги ўтўрт йил ичда қурилган янги йўлларда истиқомат қилапти. Қишлоқлар радио ва электрлаштирилган.

Меҳнат аҳлининг турмуш фаровонлиги яхшилланган сари, маданий молларга бўлган талаб ҳам ўсib бормоқда. Жуда кўйлаб хонадонлар теледзорга эга. 1967 йилнинг ўзида 150 хўжалик газ билан таъминланди. Велосипед ва лўлькали мотоциклдан ташқари 16 оила ўзининг енгил автомобилсига эга. Чўпон П. Зиёдов, меҳнатқашор Д. Жумаев, педагог Ҳ. Ҳасановлар шулар жумласидандир.

Қишлоқ Советининг территориясидан 11 та болаларч, саккиз йиллик ва ўрта мактаблар бор. Бунда меҳнатқашларнинг уч миңг 800 ўғил-қизини тахсил

ДУНЁ ХАБАРАЛАРИ

БУДАПЕШТДА МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ

Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг маслаҳат учрашуви 26 февралда Будапештда ўз ишчини бошлади. Бу учрашув коммунистларнинг ҳаётини яхшилаш, балки тинчлик, демократия ва халқлар озолиги учун курашаётган барча кишиларнинг ҳаётида ҳам катта ва муҳим воқеадир. Барча совет коммунистларининг, бошқа мамлакатлардаги марксист-ленинчилар, тинчлик ва тараққиёт дўстлари Будапештда ўтказилган учрашувга катта муваффақият тилайдилар.

Бу учрашувда коммунистик ва ишчи партияларининг халқаро кенгашири чарини масаласи юзасидан фикрлашиб олинди. Тинчликнинг, халқлар озолигининг ва мушаккалликнинг энг авуш душмани бўлган халқаро империализмининг муҳим роль ўйнаётганини кўрсатувчи кенгирет далилларга кун сайин эга бўлиб турибмиз. АҚШнинг Вьетнамдаги жонийи агрессияси, Исроилнинг араб давлатларига қарши агрессияси, Қўша Штатларнинг революцион Кубага ва халқ Корейсига қарши империалистик, Шарқ, Жанубий Осёт, Латин Америкаси, Африка ва жаҳоннинг бошқа районларидаги кўп давлатларнинг ички ишларига АҚШнинг доим арилиб келаётганилиги — империализм разия ишларининг тўла бўлмаган рўйхати ана шу.

Америка империализми ва унинг фарбий Германиядаги, Исроилдаги шериклари ва бошқа шериклари жаҳондаги кучлар нисбатини ўз фойдасига ўзгартиришга очикдан-очиқ интиломоқдалар. Социалистик мамлакатларнинг кудрати ва жипслиги, жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлиги агрессия ниятларини амалга оширишга ҳалақит бераётган асосий ғов эканлигини империализм стратеглари яхши биладилар. Шу сабабли улар ишчилар синфининг аяриш отрядларини бир-бирдан ажратиб юбориш ва заифлаштириш йўлидаги уришларга катта умид боғламоқдалар.

Марксист-ленинчилар бутун жаҳонда коммунистик ҳаракатни мустақамлаш учун зарур чораларнинг ҳаммасини кўришни халқлар олдиди ўз бурчлари деб биладилар. Дарҳақиқат, коммунистик ҳаракат барча революцион курашчиларни, тинчлик, миллий мушаккаллик, демократия ва социализм тарафдорларини чинакам бирлаштириш учун ўзининг қатъий сўзини айтиши керак. Шундай йўл билангина империалистларнинг маорил ниятларини барбод этиш мумкин.

Кейинги йилларда коммунистик ҳаракат практикаси қардош партиялар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг 1960 йилги кенгашида биргаликда баён қилинган нормалари кенгирет мазмунин билан бойиди.


Қардош партиялар ишлаб турган шароит жуда кимла-ким ва мураккабдир. Ҳар бир партия ўзининг сиёсий йўлини тавонилла мушаккал равишда белгилайди. КПСС Марказий Комитетининг бош секретари Л. И. Брежнев яқинда таъкидлаб ўтганидек,

«аммо бу нарса умумий душманга қарши курашда уларнинг ўз ҳаракатларини ихтиёрий равишда ва зўр гайрат билан мувофиқлаштириб олиб боришларини истисно қилмай, балки жуда зарур бир чорага айлантиради».

КПСС ва бошқа кўп қардош партиялар ҳозирги вақтда янги қадан қўйиб, рўй берган вазиятти биргаликда таҳлил этиш ва ана шу таҳлил асосида империализмга қарши курашда марксист-ленинчи партияларнинг тактикаси ва стратегиясини аниқлаш зарур, деб ҳисоблайдилар. Бу чора наҳон миёсиди коммунистларнинг ҳаракатларини муваффақиятли суратда мувофиқлаштириб олиб боришга, жаҳонда революцион ишчи янада кўпроқ самарали қилишга ёрдам беради.

Будапештда ўтказилган маслаҳат учрашуви коммунистларнинг жипслигини мустақамлаш манфатларини кўзлаб янги кенгашга тайёргарлик масалаларини ҳал этиши лозим. Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Арисменди ва қардош партияларнинг бошқа кўп раҳбарлари таъкидлаб ўтганидек, бу учрашув наҳон антиимпериалистик фронтини кучайтириш учун, янги тараққиёт ва революцион ғалабалар учун, тинчлик, халқлар озолиги ишларини ғалабаси учун, социализм ғалабаси учун жуда катта наф келтиради.

Г. ШИШКИН,
(ТАСС).



ПХЕНЬЯН. Американинг Корея Халқ Демократик Республикаси территориял суварига хўнаткорона бостириб кўрган «Шўбл» жосуллик кемаида унинг хўнаткорона ҳаракатларини фототўғини разведка материаллари топилиди. Суратда: жосуллик кемаида топилиган карта. Стрелкалар «Шўбл»нинг КХДР территориял суварига бостириб кириш мўлжалланган ерларини кўрсатади. ЦТАК—ТАСС радиототоси.

У ТАНИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬО-ЙОРК. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари У Тан Қўша Штатларни Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни тўхтатишга яна бир марта даъват қилди. У, радио ва телевидение учун берган баёнотида «бомбардимон қилишларнинг ҳаммасини ва Вьетнам Демократик Республикасига қарши уруш ҳаракатларини тўхтатишдан иборат биринчи зарур қадам қўйилиш лозим ва мумкин» деди.

У Тан «Вьетнам уруши халқаро муносабатларни захарлаб, кескинлаштириб юборди» деди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари айтидики, Вьетнамдаги урушнинг янада кенгайиб бериши «қўшма-беш тиғин» бўлиб кетди ва дахшати ошиб кетди, бу бўлиб кетди. «Бу урушнинг тўхтатиш пайти келди» деди У Тан.

ВДР осмонда уриб туширилди

ХАНОЙ. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги хабар беради: Вьетнам халқ армиясининг зенитчилари Ханой осмонда Америка самолётини уриб туширдилар. Нгеан вилоятидаги ҳаво ҳужумига қарши му-

дофаа қисмлари Американинг яна бир самолётини уриб туширдилар.

Шундай қилиб, Вьетнам Демократик Республикаси осмонда уриб туширилган Америка самолётларининг умумий сони 2769 тага етди.

Ханойга ҳужум

ХАНОЙ. Америка империалистлари вьетнам халқига нисбатан яна бир жиноят қилди. 24 февраль кечаси Америка авиацияси Ханой марказидаги Хайбаичинг районига ҳужум қилди. Самолётларнинг бомбардимон қилишлари ва ўққа ту-

тишлари натижасида 12 киши ўлди ва 16 киши яраланди. Уларнинг кўпчилиги «қариялар ва болалар. Кўпгина бинолар вайрон қилинди ва шикасталанди.

Американинг бир самолёти уриб туширилди.

Битланган... Бу денгиз пийда аска-Вьетнам) базасида бўлиб ўтган жароҳатланди. У ва бутун Америка Жанубий Вьетнам Озодлик армияси навбатдаги ҳужумини кутиб доимо ЮПИ—ТАСС телефотоси.



ЯНГИ КИТОБЛАР

Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига атаб нашр этилган «СССР, 1917—1967» китоби ҳам совет халқининг ана шу зафарлари ҳақида хикоя қилади.

Китоб Совет давлатининг асосини, гонимал дохилини ва ақойиб-инсон Лениннинг Октябр революцияси ҳақида фахрлиниб айтган сўзлари билан очилади.

Кўшини ботда эса Лениннинг оддий ва доно сиёсиси.

Справочник КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябр» социалистик революциясининг 50 йиллиги» Тезислари билан бошланади.

Н. Байбаковнинг «Социалистик қурилишнинг 50 йили» номи катта мақолада ўтган ярим аср мобайлидаги экономика ва маданиятнинг тараққиёти, кураш ва ғалаба йиллари келтирилган буюк ўзгаришлар баён қилинган.

Шундан сўнг справочникда СССР ҳақида, унинг аҳолиси ва

СССР. 1917—1967

да Устави, унинг состави, съезди ва конференциялари, ВЛКСМнинг вужуда келиши, воғза этиш тарихи, ташкилий тузилиши ва состави, пионерлар ташкилоти, шунингдек касба союзулари ва СССР Қурулди Қулири ҳақидаги асосий маълумотларни ҳам шу бўлимдан топиш.

«Экономика. Халқ фаровонлиги» бўлимида эса СССРнинг иқтисодий ривожланиши, унинг саноати, қурилиши, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқаси, молия ва кредитлари, ички ва ташқи савдоси алоқалари тўғрисида, СССРда халқ фаровонлиги, жумладан миллий даромади ва ижтимоий истеъмол фонди, халқ истеъмоли, уй-жой қурилиши, социал таъминот, туризм ҳамда физкультура ва спорт тўғрисида қомусий маълумотлар берилган.

СССРдаги илмий муассасалар,

табиий ва ижтимоий фанлар ҳамда илмий техника тараққиёти, маданий, қурилиш, адабиёт ва санъат, жамоат ташкилотлари ва иқтисодий союзулар ва хонадорлар ҳамда китобда изчил ва атрофли хикоя қилинган.

Справочникда иттифоқдош совет республикаларида алоҳида ўрин ажратилган. Маъмур бопларда шу қардош республикаларнинг табиий шартоти, аҳолиси, тарихи, экономика ва маданияти тўғрисида ўқинишга мумкин.

Жумладан, Ўзбекистонга бағишланган бобда келтирилган шу сатрлар диққатга сазовор:

«Ўзбекистонда СССР — Урта Осиёнинг иқтисодий жиҳатдан энг қудратли республикаси. Ўзбекистонда Урта Осиё бўлган территориясининг 35,1 процентини эгаллайди. Бу ерда Урта Осиё аҳолисининг 59,7 проценти яшайди. Республика хиссасига (1965-й

Урта Осиёда ишлаб чиқарилаётган саноат аяли махсулотининг 60 проценти, қишлоқ хўжалик аяли махсулотининг 58,9 проценти, жумладан, пахтанинг 74,6 проценти тўғри келади...»

Махсулот ҳамми бўйича Ўзбекистон иттифоқдош республикалар орасида пахта, луб энчилари, пахта толаси, хом ашё, ипак, қорекүл, пилла тайёрлаш, пахта терши машиналари, пахта трактор севакчалари, курак чўвиш машиналари, пахта тозалаш саноати учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш бўйича 1-ўринни, ип-газлама, шой тайёрлаш бўйича 2-ўринни, минерал ўғитлар, ипак газламалар, ўсимлик мўйи ишлаб чиқариш, газ қазиб олиш бўйича 3-ўринни эгаллайди.

«СССР, 1917—1967» справочники олимлар, адаблар, фан ва маданият арбобларидан катта бир гуруҳи томонидан яратилган бўлиб, улар шу китобни Улуғ Октябр социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишлаган.

Китоб 650 саҳифадан иборат. Шундай ҳаммадан наврда мамлакатимиз тўғрисидаги барча маълумотларни батафсил қамраб олиш мумкин иш, албатта. Шунга қарамай, Ваганимиз ўтмиши ва ҳозирги кўни, унинг кейинги ярим аср мобайлида қўлга киритган улкан муваффақиятлари, Октябр штурмидан то социализм ғалабаси ҳамда мамлакатимиз коммунистик қурилиши кенг аж олдирилган даврга босиб ўтган йўлининг тарихи билан қизиқувчи совет кишилари ва чет эллик дўстлар учун маъмур китоб гоят фойдали қўлланмадир. Жумладан, унда неча ўйлаб рангли суратлар, хариталар, диаграмма ва таблицалар, библиография маълумотлар берилган.

Китоб «Советска энциклопедия» нашриёти томонидан оммавий тиражда босиб чиқарилади.

И. СУЛТОНОВ.

«СССР, 1917—1967» справочники олимлар, адаблар, фан ва маданият арбобларидан катта бир гуруҳи томонидан яратилган бўлиб, улар шу китобни Улуғ Октябр социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишлаган.

Китоб 650 саҳифадан иборат. Шундай ҳаммадан наврда мамлакатимиз тўғрисидаги барча маълумотларни батафсил қамраб олиш мумкин иш, албатта. Шунга қарамай, Ваганимиз ўтмиши ва ҳозирги кўни, унинг кейинги ярим аср мобайлида қўлга киритган улкан муваффақиятлари, Октябр штурмидан то социализм ғалабаси ҳамда мамлакатимиз коммунистик қурилиши кенг аж олдирилган даврга босиб ўтган йўлининг тарихи билан қизиқувчи совет кишилари ва чет эллик дўстлар учун маъмур китоб гоят фойдали қўлланмадир. Жумладан, унда неча ўйлаб рангли суратлар, хариталар, диаграмма ва таблицалар, библиография маълумотлар берилган.

Китоб «Советска энциклопедия» нашриёти томонидан оммавий тиражда босиб чиқарилади.

И. СУЛТОНОВ.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАҲАРЧАСИ



Ҳайрон бўлмаг, биз сўз юритмоқчи бўлган объект чиндан ҳам шундай деб аталади. Бу аҳолига хизмат кўрсатиш комплекси Туркман бозори ёношидан жой олган. Бу шаҳарчининг меҳнаткашлар учун хизмат қилаётганга кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин, у ҳозирдаёқ кўпчиликнинг эътиборини қозона олди. Бинокорлар хизмат шаҳарчасини эндиладан зарар кўрган эски турар-жойлар ўрнида тезкорлик билан бунёд этишди. Бир-биридан шинам ва кўркам салонларни тиклашда алюминий, ойна ва бошқа енгил қурилиш материаллардан фойдаланилди. Ёруғ салонлар ишлаш учун қулай қилиб жиҳозланган. Қурувчилар объектни тўла қўлдан чиқаргач, бу ерга турли касб ва ҳунар эгалари келишди.

Кўйилган тикниш, тўқниш дастгоҳлари бир мебрда гувилаб ишлаб турибди. Чеварларнинг қўли-қўлига тегмайди. Сора Бобожонова машинани чаққонлик билан бошқариб кайроп пайпоқ петлясини пишиқ қилиб тўқияпти. Салон мудариси Р. Ян-Борисова бу қизнинг номини бошқа илгорлар қаторида мамнуният билан тилга олади. 4-салонда электр устаралар, авторучкалар, музика асбоблари, соатлар, кўзойнак ва бошқа оптик буюмлар ремонт қилинади. Нозик механизмлар сирини яхши билган усталар доим хизматини қилади. Шарикли авторучканинг сиёҳи тугаган бўлса, марҳамат, шу ернинг ўзиде сиёҳ қўйдириб олишингиз ҳам мумкин. 5-салон хизмати, айниқса, диқ-

«Транзистор» салонини ўзига хос радио-музей деса бўлади. Бу ерда жажжик транзистор приёмникларининг истаган маркадагини топасиз. Лекин бу ерда транзисторлар сотилмайди, тузатилади. Транзисторингиз бузилиб қолган бўлса, тўғри шу ерга мурожаат қилинг. А. Файзиёв ва А. Борисов сингари уста радиотехниклар сизнинг хизматингизда бўлишади. Турмуш фаровонлашган сари халқимизнинг маданий турмуш эҳтиёжи ҳам тўхтовсиз ўсиб борапти. Эндиликда кишилар танлаб кийим киядиган, танлаб уй жиҳозлари сотиб оладиган бўлиб қолди. Ойларда ичхам, қулай ва бежирим мебеллардан фойдаланиш одат бўлмоқда. Хизмат кўрсатиш шаҳарчасининг «Мебель» салони



ЭЛГА ХИЗМАТ—ОЛИЙ ҲИММАТ

— Хизмат кўрсатиш шаҳарчаси, — дейди директор Робия опа Нишонхўжаева, — ун бир салондан иборат. Иш услубимиз бошқалардан бирмунча фарқ қилади. Меҳнаткашлардан тушган буюртмалар жуда тезлик билан бажариб берилади. «Молия», «Экстра» типидати салонларимиз ўша заҳотиёқ кишиларнинг сўров ва истаklarини қўнғилдайдик бажо келтиришди. Салонларини бирма-бир айланиб, меҳнаткашларга сидқидилдан хизмат кўрсатаётган моҳир тикувчилар, тўқувчилар, бичиқчилар, ремонтчилар ва сураткашлар иш билан танишамиз. Мана, устки кийим-бош ремонт билан шугулланувчи 2-салон. Бу ерда буюртмачининг хоҳлаган фасони ва рамерда ағдариб кийим тикиб берилади. Салонда мўйна, қўнғуз ёқалар ҳам ремонт қилинади. Агарда уринган мўй-нангиз бўлса, салонга марҳамат қилинг, худди янгидек қилиб беришди. Хунардандарнинг бирдан-бир мақсади шунки, улар кийимнинг аҳволи ва ишининг қўла-мига қарамай, ҳар бир буюртма-ни бекаму кўст бажаришга ҳара-кат қилишди. Трикотаж буюмлари ремонт билан ҳам доим кишилар билан гавжум. Салон худди фабрика цехини эслатади. Тартиб билан

қатга сазовор. Унинг «Экстра» пойфаал ремонтни, деб аталгани ҳам бежиз эмас. Оёқ кийимингиз ремонт талаб бўлиб, вақтинчи эки бўлса, бир зумда пойфаалингизни бутлаб, мойлаб, лийдаги қилиб берилади бу ерда. Назира Тошхўжаева мударлик қилаётган бу салонда ишни зуд-лик билан бажариш учун ҳамма шароитлар муҳайё этилган. Маса-лан, унда барча ремонт ишлари ярим автомат тарзида амалга оширилади. Мастер И. Исоқов пойфаал тикидиган, пошна қоқа-диган машиналар ёрдамида иш-лайди. Ўзи ҳам жуда тезкор. Ху-зуринг кирган киши узоқ ушлан-иб қолмайди. Бажарган иш ҳам таҳсинга лойиқ, пишиқ ва пухта. Шим тикувчи 6-деха «Мо-лия» деб ном берилган. Ҳақиқа-тан, ном тўғри топиб қўйилган. Чаққон, ва чевар қизлар ғайрати-га чек йўқ. Ҳар қандай буюртма-ни бичиги келишган, чоклари пи-шиқ тикилган тайёр шимни қўлга олгач, чеварлар ҳузуридан ўз та-шаққурини айтмай, чиқиб кетол-майди. Айниқса, тикниш цехининг илгор тикувчиларидан Назира Аҳмедшина, Дурдона Икромов-ларнинг ишида биронта нуқсон учратмайсиз. Тўқни Умаров бич-иб берган буюртмаларни улар бежирим қилиб тикишди.

меҳнаткашларнинг ана шу талаб-эҳтиёжга хизмат қилмоқда. Салон меҳнаткашлардан янги мебеллар учун турли буюртмалар қабул қилади. Бунда буюртмачи-нинг ханма талаблари тўла ино-батга олинади. Салон ходимлари буюртмачи билан бирга аввал ян-ги мебелнинг эскизини яратиша-ди: мебелнинг ҳажми, ранги ва бошқа жиҳатлари ҳусусида кели-шиб олинади. Худди шу йўсинда бу ерга янги гарнитура, ҳар тур-ли диван, диван-кровать, тумбоч-калар, шкаф, шифоньер, китоб жо-воилари, хонтахта ва бошқа хил-даги мебеллар учун буюртмалар бериш мумкин. Буюртмалар асосида янги мебеллар сотишдан ташқари, эски, уринган мебеллар ҳам ремонт қилинади, — дейди салон муди-раси Ю. Головкин, — ходимлари-миз мебелларни кишиларнинг ўз уйларига бориб ремонт қилиб бе-ришди. Бу аҳоли учун жуда ҳам қулай. Хизмат кўрсатиш шаҳарчаси-нинг химичиска, фотография ва про-кат салонлари хизматидан ҳам эл жуда мамнун. Хурматли буюртмачилар, хиз-мат кўрсатиш шаҳарчасига марҳа-мат қилинг! У сизларнинг хизма-тингизга ҳамisha таъёр!

Н. ҲИММАТУЛЛАЕВ.

ШИНГИЛ САТРЛАР

© Пойтахтдаги рус тили ва адабиёти педагогика институти студентлари буюк шоир Алишер Навоий туғилган кунининг 325 йиллигига тарадуд қўришди. Олий ўқув юртида шоир ижодида бағишланган бир неча лекция ва сўхбатлар ўтказилди. Ҳаваскорлар эса Уй-ғун ва И. Султоннинг «Алишер Навоий» драматик саҳналаштирилган. Б. ЭРГАШЕВ.

© Октябрь районидagi 28-мактабда спорт ишлари яхши

йўлга қўйилган. Бу ерда фут-бол, волейбол, қўл тўпи, стол теннис, шахмат-шашка тўга-раклари ишлаб турипти. 200 дан ортиқ ўқувчи разряд нор-мативларини бажарган, 300 га яқин ўқувчи эса ГТО ва БГТО значкиларини бажарган. Спорт тур-лари бўйича тез-тез мусобақалар ўтказиб турилади. Мактаб спортчилари район спартакиа-дасига пухта тарадуд қўриш-япти. М. УМАРОВ.

© «Узбектўль» комбинати

9-шахта кони кутубхонасининг китоб фонди тобора ортиб бора-пти. Бу жаҳоҳрлар маконда 16 минг 200 дан ортиқ сиёсий, бадий, илмий-оммавий ва тех-ник адабиётлар бор. Ҳар бир кончи кутубхонанинг аъзоси-дир. Ф. ПЕТРОВ.

© Чирчиқдаги кинёгарлар маданият саройида РСФСР халқ артисти Евгений Матвеев билан учрашув бўлди. Таниқли кино артисти ўз ижодий режа-лари ҳақида сўзлаб берди. Сўнг актёр ижро этган кино-фильмлардан парчалар кўрса-тилди. М. МИРСУЛТОНОВ.

СИЗ суратларда хизмат кўрсатиш шаҳарчаси ходим-лари — (чапда, юқоридан пастга) устки кийимлар ти-киш мастери С. Икромов, тўқувчилар С. Бобожоно-ва ва Р. Алишева, мастер И. Исоқов, бичиқчи К. В. Макарова — (ўнгда, юқоридан пастга) бичиқчи Т. Ума-ров, К. Жалолов ва мастер Н. Календарова, мастер Ф. И. Гольденгер ҳамда унинг шогирди М. Сидиқо-валарни қизғин меҳнат пайтида кўриб турибсиз. А. Абалян фотолари.

ЎЙЧИ ЎЙЛАГҮНЧА...

ИШДАН-ишга кўчавериб тинка-си қурган Кўзйови елкасини қи-сиб катта кўчадан бораркан: «Э-ди нима қилдинг? Қаярга ишга борадинг?» деб ўйларди. Шу пайт елкасини ногирон бир қўл «гуп» этиб тўшди. Кўзйови бу-ндай ўғирлиб қараган эди, кар-шида тирнақли турган совиқ синфдон Фотиҳни кўрди. — Ҳа, сува тўшган бўла-дек шалпайиб кетгансан? — сўра-ди Фотиҳ. Кўзйови ўртоғига нима дей-шини билмай дуздўшди. — Шу... ўртоқ... Анчадан бе-ри... бир ойдан бери беш юриб-ман. — Ие, ие, хали шунанга дегин... Сенга жабр бўлибди-ю, ёғиб еган-га тоғ ҳам чидамайди, дўстин, қимирлаш керак... — Қимирлашмай... — деди содда-лик билан Кўзйови, — икки-уч жойдан иш ҳам топдим, лекин ўзимга ёқмай турибди. — Қанақа иш экан? — бўйин-ни қўшиб сўради Фотиҳ, — қаер-да экан? — Тахта синалдан, — пешанаси-ми тириштирди Кўзйови, — тахта-ларини жойларга тақсимловчи бў-ларманман... Бундай қарағана ду-руст иш, лекин қарз тўшиб қоладиган деб қўрқатман...

— Албатта, ахтир бўлиш ке-рак, ахтирлик яхши нарса... — де-ди Фотиҳ, насихатлама. — Ма-иени ол, икки йил итда санча жойга кириб чиқдинг, елим, елир-дин. Охири нима бўлди. — Ҳа, ун-нинг хабарини бор... Ортиқганим битта участкаю, ўзинг қўрган ма-шина бўлди.

(ҲАЖВИЯ)

Фотиҳ ҳиринглаб кўлди-да, бир марса эсига тушгандек тўсатдан сўради: — Айтгандек, қайси тахта синалдан иш топдим дедиң? — Қўйидагидан. — Э бўлди, Қўлдош анаданми? У киши жуда ажойиб одам, мен-га таниш. Қўнғинг чопиб турган бўлса, ортагаёқ ариза ёзиб бор, бугунги ўзим тўғилмаман... — Яша дўстим, — деди Кўзйови сузюйиб, — агар ишим юришб кетса битта тўн кийгизаман. — Э, бўпти, — деди Фотиҳ шо-шрилиб, вақтин ўтказмай ортагаёқ бор. Мен сени ўша ерда кўтиб олам. Тўнги нейинроқ олиб бе-рарсан.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

«Бойчечак» мукофоти учун ўтаётган мусобақанинг иккинчи турни ўйналди. Бунда Ўзбекистон-нинг икки командаси «Политот-дел» ва «Пахтакор» ўзаро учраш-ди. Колхоз стадионида бўлган бу ўйна пахтакорчилар фойдасига 1:0 ҳисобида тугади. Ягона тўпни «Политотдел» ҳимоясиси Мўми-нов ўз дарвозасига киритиб юбор-ди. Ҳамшаҳарларимиз қатнашаёт-ган биринчи гуруҳда бўлган бош-қа ўйна натижалари қуйидагича: «Динамо» (Москва) — «Крилья Со-ветов» — 0:1.

Иккинчи гуруҳда Москва спартакчилари Ростов армиячи-лардан 0:1 ҳисобида енгилдилар. «Арабат» ва «Зенит» учрашув-ида ҳисоб очилмади — 0:0. Учин-чи гуруҳда мамлакат чемпион-

лари Киев динамочилари Москва-нинг «Торпедо» командаси билан бўлган учрашувда сўнгги минутда ўз дарвозаларига ўзлари тўп уриб қўйиб (Шегольков) енгилдилар. Яна шу гуруҳда Тбилисининг «Локомотив» командаси Кирово-бод динамочиларидан 2:0 ҳисоби-да устун келди. Англия терма командаси Глазго шахрида Шотландия фут-болчилари билан Европа чемпио-натининг саралаш мусобақасида куч синашиб, 1:1 ҳисобида дуранг-га эришди ва китъа биринчилиги учун курашни давом эттириш ҳу-қуқини олди. Энди чорак финал-чиларнинг ҳаммаси маълум бўл-ди. Булар СССР, Венгрия, Бол-гария, Югославия, Испания, Ита-лия, Франция, Англия терма ко-мандаларидир.

МАҲАЛЛА АМБУЛАТОРИЯСИ

Киров районидagi Янгичар маҳалласи обод бўлиб бора-пти. Сўнгги йиллар давомида бу ерда жамоатчилик кўч билан озиқ-овқат маълуми кўч билан ва маҳалла комитетининг идо-раси қурилиб фойдаланишга топширилган эди. Яқинда 13 хонали амбулатория биноси ҳам қўлдан чиқди. Бу ерда ком-прессор заводи ёнидаги торғина бинода ишлаб турган 28-амбу-латория қўчиб келди. Амбулатория шифокорлари шу кунларда маҳалла аҳолиси-га намунали моддича хизмат кўрсатиляпти. И. Усмонов, М. Мирхўжаев, Э. Пинхасова, Т. Юсупов каби моҳир врачлар бе-морларни фақатгина дорилар-монлар билан эмас, балки ши-рин сўзлари билан ҳам давола-яптилар. А. НАБИХҲАЖЕВ.

А. НАБИХҲАЖЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА (3-канал)
17.55 — Эшиттиришлар про-граммаси.
Ўзбек тилида: 18.00 — Қўноқ педагогика институти бадий ҳа-вааскорларнинг концерти. 18.40 — Миллоллар унвверситети.
Рус тилида: 19.00 — Телевизи-ониз-коммунизм (сузжакли фильм). 19.25 — 425 чақирди (телевизион бадий фильм).
Ўзбек тилида: 20.05 — Телевизи-ониз-коммунизм (сузжакли фильм). 20.15 — А. Островский.
— Сўнгги кўрбон (Ҳамза номли академик драма театрининг спек-такли).
ИККИНЧИ ПРОГРАММА (3-канал)
Рус тилида: 18.00 — Укув эшиттиришлари программаси. Талабларга мувофиқ ўқув филь-млари. 18.30 — Эстетика. Санъат нима? 19.00 — Студентлар учун назарий меҳаника.
20.00 дан — Москва кўрсатади

УЧИНЧИ ПРОГРАММА (8-канал)
Ўзбек тилида: 20.00 — Беш йил-лик ҳақида кинолар (бо-лалар учун). 20.20 — Янги ре-форма-амалда. 20.40 — Тошкент янгиликлари: 20.50 — Балет ке-часи.
Рус тилида: 21.30 — Тошкент янгиликлари. 21.40 — Санитария маорифи совети пленуми олдидан. 21.50 — Октябрь (бадий фильм).
ТЕАТР
НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 27/II да Тру-бадур, 28/II да Ринголетто.
ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/II да Котин, 28/II да Сарвамот дил-барим.
МУКМИНИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/II да Фарҳод ва Ширин.
КИНО
Соҳибнамол — САНЪАТ СА-РОИИ, «ЧАНКА», «ЭЗБЕНИФОН», «ВОСТОК» (жуфт соатларда),

«ДРУЖБА» (қулдуз ва кечқурун). Мен сизни севардим... «ЭЗБИ-КЕСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСО-МОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (қулдуз ва кечқурун).
Халқининг содиқ ўғлонлари — (эр-талаб 10, қулдуз соат 1 ярим, 5 ва кеч 10.00 да). Генерал Раҳи-мов (қулдуз ва кечқурун) — НА-ВОИЙ номли.
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
«ҚУВНОҚ АРЕНА» КОЛЛЕКТИВИ
артистларининг Виктор ВЛАДИМИРОВ раҳбарлигидаги ГАСТРОЛЛАРИ
Жаҳон эски чемпиони, хиз-мат кўрсатган спорт мастери ГРИГОРИЙ НОВАК
Ўз ўғиллари билан кучли ат-тракцион томошалари намойиш қилиди.
Томошалар кеч соат 7 ярим-да бошланади.
Вилетлар сотилмоқда.

«Среднеазахэстрооборудование»
МОНТАЖ ВА ПУСКО-НАЛАДКА ИШЛАРИНИНГ МАХСУС БОШҚАРМАСИГА
электр жиҳозларини созлаш, контрол-ўлчов асбоблари ва сан-оат корхоналари автомати-каси бўйича инженерлар ва техниклар, вентиляция, соу-тиш ва қозон қурилмалари-нинг сласар-монтажчилари ва соловчилари, газ пайвандчи-лари ва темирчилар ҳамда шу нўрсатилган мутахассисли-ларга ўргатиш учун 18 ва ундан катта ёшдагиларни, бош бухгалтер ўринбосари, (қурилдиш ишлари билан та-ниш бўлган), катта бухгалтер ва ҳисоб-китоб бўлими бухгал-тери, юкчилар ва шоферлар
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тош-кент шаҳар, 9-Январь кў-часи, 18 уй (1, 4 трамвайлар-нинг «Мутахассислар уйи» тўхташ жойи).

Тошкент шаҳар 5-автотбус парки коллективи, партия ва касба союз ташкилоти 5-ав-тотбус парки директори М. Рустамовга онаси
Тўхта Ҳакимовна РУЗИХОДЖАЕВанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қи-ладилар.
Ўзбекистон Компартияси Мар-зия Комитети билан биргаликда на-ширининг бошқармаси. Тошкент шаҳри.
Р. 08185.
ИНДЕКС — 64697.
№ 5 — 1908.